# VII. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 36 509 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 25 904 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 71,0 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 65,3 фоизи), савдо (7,8 фоизи), саноат (6,5 фоизи) ва қурилиш (3,8 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётганкорхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(2019 йил 1 январь ҳолатига)*

| | *Рўйхатга олинган* | | *Фаолият кўрсатаётган* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **36 509** | **100** | **25 904** | **100** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 23 830 | 65,3 | 13 837 | 53,4 |
| саноат | 2 381 | 6,5 | 2 266 | 8,7 |
| қурилиш | 1 402 | 3,8 | 1 353 | 5,2 |
| савдо | 2 832 | 7,8 | 2 645 | 10,2 |
| ташиш ва сақлаш | 535 | 1,5 | 512 | 2,0 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1016 | 2,8 | 955 | 3,7 |
| ахборот ва алоқа | 194 | 0,5 | 170 | 0,7 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 207 | 0,6 | 204 | 0,8 |
| бошқа фаолият турлари | 4 112 | 11,2 | 3 962 | 15,3 |

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 14 969 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 14 226 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,0 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 18,9 фоизи), саноат (15,9 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (15,3 фоизи) ва қурилиш (9,4 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётганкорхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши**

*(2019 йил 1 январь ҳолатига фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)*

| | *Рўйхатга олинган* | | *Фаолият кўрсатаётган* | |
|---|---|---|---|---|
| | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* | *бирлик* | *жамига нисбатан фоизда* |
| **Жами** | **14 969** | **100** | **14 226** | **100** |
| *шу жумладан:* | | | | |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 2 290 | 15,3 | 2 159 | 15,2 |
| саноат | 2 381 | 15,9 | 2 266 | 15,9 |
| қурилиш | 1 402 | 9,4 | 1 353 | 9,5 |
| савдо | 2 832 | 18,9 | 2 645 | 18,6 |
| ташиш ва сақлаш | 535 | 3,6 | 512 | 3,6 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 1016 | 6,8 | 955 | 6,7 |
| ахборот ва алоқа | 194 | 1,3 | 170 | 1,2 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш | 207 | 1,4 | 204 | 1,4 |
| бошқа фаолият турлари | 4 112 | 27,4 | 3 962 | 27,9 |

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни**
**мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши**
*(2019 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)*

| | *2019 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган* | *2018 йил давомида* | |
|---|---|---|---|
| | | *янги ташкил топган* | *тугатилган* |
| **Жиззах вилояти** | **36 509** | **4726** | **1504** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 4 689 | 741 | 261 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 2 591 | 265 | 51 |
| Бахмал | 3 123 | 444 | 105 |
| Ғаллаорол | 4 583 | 406 | 456 |
| Шароф Рашидов | 5 292 | 596 | 129 |
| Дўстлик | 1 660 | 260 | 111 |
| Зомин | 3 659 | 438 | 29 |
| Зарбдор | 2 481 | 547 | 119 |
| Зафаробод | 1 951 | 164 | 19 |
| Мирзачўл | 1 762 | 196 | 74 |
| Пахтакор | 1 710 | 297 | 45 |
| Фориш | 2 203 | 269 | 65 |
| Янгиобод | 805 | 103 | 40 |

2018 йилнинг январь – декабрда жами 4 726 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 4 291 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 741 та 15,7 фоизи), Шароф Рашидов тумани (596 та 12,6 фоизи), Зарбдор тумани (547 та 11,6 фоизи)ларига тўғри келади.

**Рўйхатга олинган юридик шахсларни**
**мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши**
*(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз, бирлик)*

| | 2019 йил 1 январь ҳолатига рўйхатга олинган | 2018 йил давомида | |
|---|---|---|---|
| | | янги ташкил топган | тугатилган |
| **Жиззах вилояти** | **14 969** | **2754** | **643** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 4 596 | 739 | 261 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 442 | 95 | 3 |
| Бахмал | 882 | 200 | 53 |
| Ғаллаорол | 1 130 | 203 | 39 |
| Шароф Рашидов | 2 415 | 432 | 67 |
| Дўстлик | 623 | 120 | 18 |
| Зомин | 1 210 | 224 | 10 |
| Зарбдор | 700 | 155 | 38 |
| Зафаробод | 430 | 88 | 18 |
| Мирзачўл | 525 | 80 | 35 |
| Пахтакор | 621 | 128 | 15 |
| Фориш | 1 069 | 221 | 58 |
| Янгиобод | 326 | 69 | 28 |

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига жами 2 754 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2 319 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 739 та 26,8 фоизи), Шароф Рашидов тумани (432 та 15,7 фоизи), Зомин тумани (224 та 8,1 фоизи)ларига тўғри келади.

2019 йил 1 январь ҳолатига 11 239 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона – 3 830 та, оилавий корхона – 511 та, масъулияти чекланган жамият – 6 564 та, акционерлик жамияти 19 тани ташкил этади.

**Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича сони, бирликда**
*(1 январь ҳолатига)*




2019 йилнинг январь ҳолатига жами 2 754 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 2 319 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шахри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 26,8 фоизи), Шароф Рашидов (15,7 фоизи), Зомин (8,1 фоизи) ва Фориш (8,0 фоизи) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 21,6 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 19,8 фоизи саноат ва 15,7 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 643 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 148 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 23,0 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

**Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар.** 2019 йил 1 январь ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 121 тани ташкил этди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 46 тани ташкил этди. Бунда, Хитой Халқ Республикаси резидентлари капитали иштирокида - 13 та, Россия

Федерацияси – 11 та, Туркия Республикаси - 11 та, Бирлашган Араб Амирлиги - 3 та, Ислом Республикаси Афғонистон - 2 та, Исроил Республикаси - 2 та, Туркманистон Республикаси - 2 та, Қозоғистон Республикаси - 1 та ва Америка Қўшма Штатларида - 1 та янги корхоналар рўйхатдан ўтган.

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар**
*(2019 йил 1 январь ҳолатига, бирлик)*

| | *2019 йил 1 январ ҳолатига фаолият кўрсатаётганлар сони* | *шундан* | |
|---|---|---|---|
| | | *қўшма корхона* | *хорижий корхона* |
| **Жиззах вилояти** | **121** | **90** | **31** |
| *шаҳар:* | | | |
| Жиззах | 57 | 45 | 12 |
| *туманлар:* | | | |
| Арнасой | 3 | 2 | 1 |
| Бахмал | 3 | 3 | - |
| Ғаллаорол | 9 | 7 | 2 |
| Шароф Рашидов | 8 | 4 | 4 |
| Дўстлик | 5 | 3 | 2 |
| Зомин | 10 | 7 | 3 |
| Зарбдор | 3 | 2 | 1 |
| Зафаробод | 3 | - | 3 |
| Мирзачўл | 1 | 1 | - |
| Пахтакор | 6 | 6 | - |
| Фориш | 9 | 9 | - |
| Янгиобод | 4 | 2 | 2 |

**Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши**

*2019 йил 1 январь ҳолатига*

| | *Корхоналар сони, бирлик* | *жамига нисбатан, %да* |
|---|---|---|
| **Жами** | **121** | **100** |
| *шу жумладан:* | | |
| Қишлок, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 20 | 16,5 |
| Саноат | 70 | 57,9 |
| Қурилиш | 4 | 3,3 |
| Савдо | 16 | 13,2 |
| Ташиш ва сақлаш | 3 | 2,5 |
| Яшаш ва овқатланиш | 1 | 0,8 |
| Ахборот ва алоқа | 2 | 1,7 |
| Бошқа фаолият турлари | 5 | 4,1 |

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 121 та корхонанинг 70 таси (57,9 фоизи) – саноат, 20 таси (16,5 фоизи) қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 16 та (13,2 фоизи) – савдо, 4 та (3,3 фоизи) – қурилиш, 3 та (2,5 фоизи) ташиш ва сақлаш, 2 та (1,7 фоизи) – ахборот ва алоқа, 1 та (0,8 фоизи) – яшаш ва овқатланиш ҳамда 5 та (4,1 фоизи) бошқа соҳасига тўғри келади.

## Оилавий корхоналар сони

Юридик шахс сифатида давлат рўйхатдан ўтган оиловий корхоналар сони 2019 йилнинг 1 январь ҳолатига 542 тани ташкил этди, улардан 511 таси ёки 94,3 % фаолият юритмоқда.

**Оилавий корхоналар сонининг ўсиш динамикаси, бирликда**




Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида қаралганда оилавий корхоналарнинг 41,1 % ёки 210 таси саноат, 25,0 % ёки 128 таси яшаш ва овқатланиш хизматлари, 87 % ёки 17,0 таси қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 9,0 % ёки 46 таси савдо, 1,0 %  ёки 5 таси қурилиш, 0,6 % ёки 3 таси ахборот ва алоқа, 0,2 % ёки 1 таси ташиш ва сақлаш ва соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш ҳамда 5,9 % ёки 30 таси бошқа фаолият турлари ҳиссасига тўғри келмоқда.